



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 1 февраль, № 23 (8918)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Мулоқот

ҲАМКОРЛИК ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бито Ёшибуми билан учрашди.

Мулоқот давомида яқинда JICA президенти А. Танакининг Ўзбекистонга таширифи, Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашуви муҳим воқеа бўлгани, агентлик билан самарали ҳамкорлик тарихида янги bosqich бошлангани эътироф этилди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик, JICAnинг турли ўқув лойиҳалари парламентларо алоқалар ва инсон ресурсларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Давлат бошқаруви, қишлоқ хўжалиги, энергетика, хусусий сектор каби соҳаларда JICA ташкилоти билан амалий ўқувларни ташкил

қилиш, дастурларга хотин-қизларни кенгрок жалб этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги 50 йилдан ортиқ вақт давомида турли мамлакатларнинг мустақил ва барқарор тараққиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ҳамда инсон ресурсларини ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда.

Келгусида ҳудудий парламент вакиллари — маҳаллий Кенгаш депутатлари учун малака ошириш дастурларини жорий этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

ЭЛЧИЛАР ҲИСОВ БЕРАДИ



туризм фаолиятига кўмаклашиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати кўриб чиқилди.

Мажлисида сенаторлар, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари аъзолари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда парламентнинг давлат ички ва ташқи сиёсатидаги ишлари ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар доирасида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда режа-ҳақдал асосида 40 га яқин чет эллардаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш белгиланган.

Ўзбекистоннинг Бельгия билан ўзаро товар айланмаси 2023 йили 195,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2024 йили 212 млн. АҚШ долларига етган.

Буюк Британияга маҳаллий маҳсулотлар экспортини кенгайтиришда ижобий натижаларга эришилган. 2024 йили экспорт ҳажми 2022 йилдагига нисбатан 45 фоизга ошиб, 149 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИ ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШИ – АСОСИЙ ТАЛАБ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб қуйи палата Спикери Н. Исмоилов жорий ҳафтадаги муҳим воқеликларга тўхталиб ўтди. Юртимизда энергетика соҳасига стратегик йўналиш сифатида катта эътибор қаратилаётгани, 28 январь куни мамлакатимиз Президенти томонидан электр энергетикасини 2025 — 2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йиғилишда ушбу йўналишдаги ишлар чуқур таҳлил қилиниб, бу борада устувор вазифалар белгилаб берилганини қайд этди. Аҳолини барқарор энергетика билан таъминлашда ресурстежамкор иқтисодиёт моделига ўтиш вақти келгани таъкидланганига урғу берди. Ҳар бир тармоқ кесимида энергияни иқтисод қилиш, электр энергияси йўқотишларини камайтириш устувор вазифа қилиб олингани ҳамда ушбу ташаббуслар парламент аъзолари томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Яна бир муҳим йўналиш — томорқада ва ижарага берилган экин ерларида даромадли маҳсулот етиштиришининг янги тизими бўйича ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан янги ташаббуслар илгари сурилгани, уларни амалиётга жорий қилишда депутатлар корпуси янада фаол иштирок этиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Мажлисида, шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Тенг ҳуқуқлилик, бағрикенгликнинг ишончли кафолати

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан ташаббус қилинган Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси лойиҳаси муҳокама

этилди. Мазкур концепция лойиҳасини қонун билан тасдиқлаш назарда тутилган.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилиб келин-

моқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини кафолатлашда мустаҳкам замин бўлди.



ЖСТ НИЗОМИГА МОНАНД ҚОНУНЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия мажлиси

Мажлисида комиссия раиси, Спикер ўринбосари Раҳимжон Ҳақимов сўз олиб, 2024 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг саяё-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўналишида катта қадам ташлагани ва бу борада муҳим натижаларга эришганини қайд этди. Хусусан, ўтган қисқа даврда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида 23 та битим имзолангани, қонун ижодкорлиги жараёнида эса мазкур соҳага доир 20 та қонун қабул қилингани алоҳида эътиборга молик.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши инвестициявий жозибадорликни ошириш, тадбиркорларнинг минтақавий ва глобал бозорларга қириб боришини таъминлашга хизмат қилади. ЖСТга аъзолик ва давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг пировард мақсади, шубҳасиз, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, муносиб иш ўринларини яратиш ва иқтисодиёт бошқарувини янада самарали тизимга ўтказишдан иборат.

Мажлисида иштирокчиларга ушбу комиссиянинг мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибни белгилловчи низом ҳақида батафсил ахборот берилди. Ўзбекистонни ЖСТга

тўлақонли аъзо бўлиши борасидаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш, миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш борасидаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, комиссиянинг 2025 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси атроф-иҳада кўриб чиқилиб тасдиқланди. Ушбу режада божхона қонунчилигини ЖСТ талабларига мослаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилангани, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан соҳага оид амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ижроси ҳолатини комиссия мажлисларида эшитиш, давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга тақлиф ва тавсиялар қиритиш, қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан давлат органлари раҳбарларининг ахборотини Қонунчилик палатасининг мажлисларида эшитиш бўйича тақлифлар қиритиш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисида кун тартибидан ўрин олган комиссия фаолиятига доир бир қанча ташкилий масалалар ҳам атроф-иҳада кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».



Экологик
барқарорлик:

ТАҲДИД, МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Иқлим ўзгариши — Орол денгизининг қуриши оқибатида келиб чиққан экологик инқирозни бошидан кечираётган Марказий Осиё минтақаси учун долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Яширининг ҳолати йўқ, дунёнинг қўллаб ҳудудларида инсонлар зироят ва чорвачиликда фойдаланиб келган ерлар яроқсиз ҳолга етган, айниқса, охириги йилларда саҳролашиш оқибатлари яққол сезилляпти. Бу ҳудудлар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Афсуски, мамлакатимиз жаҳонда кескин чўллашаётган минтақалардан бири. Ер саҳролашса, на деҳқончилик, на чорвачилик қилиб бўлади — яшаш қийинлашади, озиқ-овқат қимматлашади, халқ камбағаллашади, жойларда низолар эҳтимоли кучайиши ҳам мумкин.

Нуқтаи назар

Олимлар Ер сайёрасида саҳролашишининг асосий сабаблари сифатида аҳоли сонининг кўпайиб бораётгани, ўрмон ва дархаззорлар кесилаётгани, яйловлардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланилаётгани, tupроқ эрозияси ҳамда иқлим ўзгаришини тилга олишда ва бу омилларнинг саҳролашишга олиб келиш таъсирларини камайтиришга чақиради. Бунинг энг самарали йўлларида бири — даррахт экиш. Иккинчиси, аънавий энергиядан фойдаланишни камайтириш, аксинча, қайта тикланадиган, муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш, десак, муболага эмас.

кунда минтақа мамлакатлари иқлим ўзгариши билан боғлиқ бир қанча салбий оқибатларни бошдан кечирмоқда. Мисол учун, сўнгги 50 — 60 йил ичида минтақадаги музликлар майдонни 30 фоизга камайтиди. Ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши музликлар майдонининг 1,5 баравар, 4 даражага кўтарилиши 80 фоизга қисқаришига олиб келиши мумкин.

Сув ресурсларининг етишмаслиги ҳам ўткир муаммолардан. Сувдаги стресс даражаси минтақа мамлакатларида танг аҳволга етган. Башоратларга кўра 2050 йилга бориб сув ресурслари Сирдарёда 5 фоизга,

Амударёда 15 фоизгача қисқаради. Чўлланаш жараёнлари ва ернинг деградацияси ҳақида гапирадиган бўлсак, БМТ маълумотларига қараганда ўтган 50 йилда минтақа мамлакатларида чўлланашга мубтало бўлаётган ерлар миқдори 15 — 20 фоизга ошган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда бутун жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи инқирози нафадан Марказий Осиё мамлакатларига, балки глобал миқёсда ҳам салбий оқибатларга олиб келаётганини айтмоқда.



ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КАРВОНБОШИ

Президентимизнинг Ўзбекистон тарихининг гоят мураккаб ва синовли даври — XX аср бошида майдонга келган Туркистон жадидчилик ҳаракатининг ҳақиқий маънодаги асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог, усули жадид мактабларининг ташкилотчиси Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори Батанимиз равнақи учун курашган маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бўлган юксак эҳтиром ифодаси бўлди.

Буюк сиймолар

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндалари фаолиятини ўрганишда янги давр бошланди. Давлатимиз раҳбари жадидчилик ҳаракати ва етакчи намояндалари фаолиятига юксак баҳо бериб, жумладан, шундан деган эди: "Қўпчиликлари қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг йиғирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқур зотлар бутун умрларини миллий уйғониш гоёсига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллиятимизни ғафлат ботқоқидан кутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар "Илмдан

бошқа наҳот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас" деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар".

Дарҳақиқат, Президентимиз жадид алломаларимизнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик фаолиятига катта эҳтиром билан қарамоқда. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида буюк мутафаккир Исҳоқхон тўра Ибрагма бағишланган катта ёдгорлик мажмуаси, Тошкентда Абдулла Қодирий уй-музеи ташкил этилди. Мамлакатимизда уларнинг номи билан аталадиган ўнлаб турли фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган махсус мактаблар, ижод мактаблари очилмоқда. Айниқса, 2020 йил 1 октябр-

да жадидчилик ҳаракатининг том маънодаги раҳнамолари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхоннинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши халқимизнинг улар олдидаги қарзини адо этишда катта қадам бўлди.

Маҳмудхўжа Бехбудий номи қатагон давригача миллат тараққиёти, истиқлол тимсоли бўлиб келди. Бехбудий қатл қилингани муносабати билан атоқли тарихшунос, манбаъшунос олим Лаазиз Азиззода қуйидагиларни ёзган эди: "Бехбудийнинг хизмати французларнинг Жан Жак Руссолари, русларнинг Ломоносов, Чернышевский ва Писарефлари, Кафказ туркларининг Фатхали ва Нажиббеклари, татарларнинг Маржоний ва Носирийи ила бирдир... Агар Ўзбекистонда Улуғбек ва Навоийдан бошқа учинчи бир кишига ҳайкал қўйиладурган бўлса, шубҳасиз, бу Бехбудийнинг ҳайкали бўлгусидур".

Халқимиз истиқлоли учун кураш қурбони ҳақида куюниб айтилган юқоридаги сўзлар 70 йиллик шўролар даврида унуттирилди, уларни яхши билганлар, уларнинг ишини давом эттирганлар отилди, Сибирь музликлари қаърида йўқ қилинди. Дарвоқе, юқоридаги сўзлар муаллифи ҳам қарийб 30 йил Сибирь сургун азоб-укубатларини бошидан кечирди.

Аммо истиқлол фидойилари ҳақидаги ҳақиқатлар қанчалар чуқур қўмилмасин, халқ онгидан сидириб ташлашга уринилмасин, миллат уларни, улар ҳақидаги хотираларни қалб қаърида сақлади. Истиқлол, мустақиллик туғайлигини улар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш ва ёзиш имконияти туғилди.

Савод алифбодан бошланади

Маҳмудхўжа Бехбудий бутун фаолиятини миллиятни илм-маърифатли қилишга қаратди. Бунинг учун у усули жадид мактаблари тармоғини кенгайтириш, ўқитувчи-кадрлар тарбиялаб етиштириш, ўқув дастури ва дарсликлар яратиш, ўқувчиларни ўқув қуроллари билан таъминлаш, матбаа-нашриётлар, кутубхоналар ташкил этиш ишлари билан муттасил шуғулланди. 1904 — 1910 йиллар давомида у ўзбек ва тожик тилларида "Рисолаи асоби савод", "Рисолаи жуғрофияи умроний", "Рисолаи жуғрофияи руси", "Қитобат-ул-атфол", "Амалиёти ислом", "Ислом тарихи" каби дарсликларини яратди. Уларнинг баъзилари ҳақида, қисқароқ бўлса-да, маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.



Сенат кўмиталарида

ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК – ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши оммавий тартибсизликлар билан боғлиқ айрим ҳаракатлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши, ушбу турдаги жиноятларни профилактика қилиш механизми такомиллаштирилишини таъминлайди.

Мазкур ҳужжат билан юртимизда оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтганлик, молиялаштирилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар учун масофали видео-учрашувлар ўтказиш имкониятини яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали маҳкумларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, бу орқали жиноят-ижроия қонунчилигини

ҳалқаро нормаларга мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

Мажлисида Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Оқдарё туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам қизғин муҳокама этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг таклифига асосан Самарқанд туманидан 170 гектар ва Оқдарё туманидан 243 гектар ер майдони Самарқанд шаҳри таркибига ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Қарор лойиҳаси тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Оқдарё туманлари ҳамда вилоят Кенгашларида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картография чизмаси ва таснифи маъқуллангани қайд этилди. Худудлар чегараларини ўзгартириш ҳамда вазифаларни тизимли бажариш мақсадида Хукуматга комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Мазкур туман ва шаҳар чегараларининг ўзгариши билан “Ширин” замонавий ишбилармонлик маркази ташкил қилиниб, ушбу ҳудудда 254 та кўп қаватли уй-жой, 19 та ишбилармонлик ва бизнес маркази, 50 та ижтимоий соҳа объекти, 89 та кўнгилочар ҳамда савдо комплекси, шунингдек, тарихий шаҳарча барпо этилиши назарда тутилмоқда.

Яқунда кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ОҚИБАТ ЭМАС, САБАБЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилишни янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда юқумли касалликлар, шу жумладан, сил касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ушбу хасталикни даволаш самарадорлиги 90 фоизга етказилиб, касалланиш даражаси 1,5 — 2, ўлим ҳолатлари 6 — 8 бараварга камайган.

Бироқ мазкур йўналишда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Бу, ўз навбатида, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда кўмита ташаббуси билан сил касаллигининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш бўйича қонунчилик тақлифини тайёрлаш учун масъул вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилди.

Мажлисида ишчи гуруҳ томонидан аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” ҳам муҳокама этилди. Хусусан, тез орада аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳатловдан ўтказилади, бу борадаги муаммолар ўрганилиб, уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил қилинади.

Унинг натижалари ва халқроқ тажрибани ўрганган ҳолда аҳолини сил касаллигидан асрашга қаратилган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилади.

Муҳокама якунида кун тартибидagi масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

АГРАР СОҲА: МУАММО ВА ЕЧИМ

Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида дастлаб “Ер участкаларидан фойдаланиш тартиби янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Ушбу қонун асосида амалиётга ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турларини жорий қилиш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерларни хусусийлаштириш ёки бегоналаштириш, худудларини қисқартириш, уларда бино ва иншоотлар қуришни тақиқлаш, ушбу чекловларни бузганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, унда ботаника боғларини хусусийлаштириш ва уларнинг худудларида қурилиш ишларини тақиқлаш ҳамда ботаника боғларини муҳофаза этиладиган табиий худудлар рўйхатини белгилаш кўзда тутилган.

“Қурилиш майдонларида чанг ва кум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун ҳам қизғин муҳокама этилди. Чунки унда фуқароларнинг соғлиғи учун кулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш, бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуаларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал ташмирлаш даврида атмосфера ҳавосига тартибсиз равишда ташланганидан чанг ва кум зарралари ҳавога кўтарилишининг олдини олиш, ҳуқуқбузар-

ликлар профилактикаси ва давлат экологик назоратини самарали ташкил этишга доир муҳим қоидалар назарда тутилмоқда.

Мажлисида Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятларида аграр ва озик-овқат соҳаларини ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, экспортни кўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Унда соҳада эришилган ижобий натижалар ҳамда ўз ечимини қутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, баъзи худудларда қишлоқ ҳўжалиги йўналишлари бўйича режалаштирилган лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Хўл мева ва сабзавотларнинг асосий қисми экспорт қилинадиган айрим хорижий бозорларда сақлаш омборлари, кросс-докнинглар, савдо расталари етишмади. Шунингдек, маҳсулотларнинг оммавий пишиб етилиши даврида транспорт воситаларининг танқислиги ҳамда хизмат кўрсатиш нархлари ортиши кузатилган.

Муҳокама жараёнида мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида сенатор, эксперт, мутахассислар томонидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди. Яқунда қўрилган масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИ ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШИ – АСОСИЙ ТАЛАБ



2017 йилдан кейин фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш, конфессиялараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича ишлар янгича мазмун касб этди. Давлат тарихий, диний, маданий аҳамиятга эга биноларни ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда. Зиёрат туризминини сифатли ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон учун ҳаж квотаси 3 баробар оширилди, умра зиёратига квоталар тўлиқ бекор қилинди. Натижада Саудия Арабистонига қарийб 800 минг мусулмонлар ҳаж ва умра зиёратини амалга ошириш учун боришди.

Диний таълим тизими ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 4 та олий ислом таълим муассасаси, 10 та ўрта махсус ислом илми ўқув юрти, жумладан, 2 та аёллар мадрасаси, шунингдек, православ ва протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда.

2018 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларга муайян бир динга хос қоидаларни жорий этиш, аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари тенглигини шубҳа остига қўйиш, ижтимоий ахлоқ нормалари, миллий ва умуминсоний қадриятларни инкор этиш, тиббий хизматдан, илм-фан ва маданият ютуқларидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни чеклашга қаратилган гоя ва қарашлар тарқалиши ҳолатлари учрамоқда.

Айни пайтда ташаббус қилинган ҳужжат билан фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси дунёвий давлат эканлигига оид конституциявий қоидаларни рўбга чиқаришга ҳамда диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принциплари, устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмларини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Ҳужжатга кўра диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади — фуқароларнинг виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун тенг шарт-шароит яратиш, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмаклашиш, конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда диний бағрикенгликни ва дунёвийликни таъминлашдан иборат.

Концепцияда белгиланган асосий вазифаларнинг бажарилиши устидан самарали парламент назоратини

амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қарори билан парламент комиссиясини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Концепциянинг қабул қилиниши ва соҳада ягона давлат сиёсатининг амалга оширилиши фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини кафолатлайди, дунёвийлик турлича талқин этилиши ҳамда бузилишининг олдини олишга, мамлакат аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг тотувлигини таъминлашга хизмат қилади.

Концепция лойиҳаси ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш борасида тегишли қарор чиқарилди.

Ҳужжат Қонунчилик палатаси расмий сайтида эълон қилинди.

Сувдан фойдаланишга оид муносабатлар тартибга солинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжатда бир қатор муҳим нормалар ўз аксини топмоқда. Бу нормалар сувдан оқилона фойдаланиш, самарали бошқариш ва муҳофаза этишни таъминлайдиган ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга, сув етказиб беришчилар ва сув истеъмолчиларининг масъулиятини оширишга, сувдан фойдаланишда рухсатнома олиш тартибини соддалаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, лойиҳада сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга доир комплекс ҳамда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сув теҳовчи технологиялардан кенг фойдаланишни рағбатлантириш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига масъул — Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси Равшан Мамутов кодекс лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасида масъул органларнинг ваколатлари, вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш, сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик механизмларини кенгайтириш, сувдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш шартларини соддалаштириш, сувни истеъмолчилар орасида тақсимлашнинг янги механизмларини жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилганини айтди.

Шунингдек, қуйи палатанинг жорий

Фракциялар позицияси

Мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган ва кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари муносабатларини бйдириб ўтишди.

Ақтам ҲАЙТОВ, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:



— Мажлисида кўриб чиқилган концепция лойиҳасида дунёвийликни таъминлашга оид аниқ механизмлар ва давлатнинг дунёвийликка асосланган сиёсатини амалга оширишининг янги усуллари ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида, ижтимоий ҳаётда, таълим, тиббиёт ва маданиятда дунёвийликни таъминлаш ва диний қадриятлар орасида ўзаро ҳурматни шакллантириш мақсад қилинган.

Унинг яна бир муҳим жиҳати ёшлар, айниқса, хотин-қизларнинг таълим олишга кенг имкониятлар билан таъминланишига қаратилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривож ва барқарор тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади. Ёшлар таълимига қаратилган давлат сиёсати, уларнинг фуқаролик жамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, мустақил қийрлаш ва ижтимоий ҳаётга қўшган ҳиссанини оширишга йўналтирилган.

Шунингдек, лойиҳада мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясига асосланган ҳолда, дунёвийликни таъминлашга қаратилган йўналишлар аниқ белгилаб берилган. Бу, Ўзбекистоннинг барча динлар ва уларнинг тарихий-маънавий қадриятлари муҳаббат билан бирга, ҳар бир фуқарога ўз эътиқодига эриш амак қилиш имконини беришга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

Алишер ҚОДИРОВ, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари:

— Виждон эркинлиги ҳуқуқи жамиятнинг ривожланиши учун катта имконият беради. Мамлакатимизда ҳалоллик, поклик каби қадриятга айланиб бўлган хусусиятлар билан суғорилган авлодлар тарбия қилиш, аж-



«Халқ сўзи».



йил 24 январь куни бўлиб ўтган мажлисида кодекс лойиҳасидаги айрим нормалар, яъни сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари билан боғлиқ масалалар депутатларнинг эътирозли саволларига сабаб бўлгани, халқ вакиллари томонидан бир қатор тақлифлар берилгани айтиб ўтилди.

Ўтган даврда масъул кўмита томонидан ушбу тақлифлар чуқур таҳлил қилинган ва улар асосида лойиҳа ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилиб, маромига етказилгани таъкидланди. Мисол учун, “Сувдан фойдаланишдаги низоларни ҳал этиш” боби лойиҳадан чиқариб ташланди ва 29-бобга низоларни ҳал этиш моддаси қилиб киритилди. Сувдан фойдаланиш тартибини тақдоран бузиш ҳолатлари учун молиявий санкцияларни қўллаш БҲМнинг 10 баробаридан 5 баробар миқдорига ўзгартирилди. Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарималардан тушадиган маблағларни тақсимлаш нормаси амалиётдаги қонуности ҳужжатлари билан белгилангани боис чиқариб ташланди.

Кодекс лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Инсонпарварлик тамойилларига асосланади

Депутатлар “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2024 йил 18 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

муаммолар ечимини таъминлашга қаратилган ушбу ҳужжат бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан, куни кеча фракциямиз йиғилишида концепция лойиҳасини қабул қилишда айрим жиҳатларга эътибор қаратиш зарурлигига ургу берилди.

Энг аввало, унинг 4-боби 16-бандида назарда тутилган амалий чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши эрта огоҳлантириш тизимини яратиш чораларини кўриш;

7-бобида белгиланган вазифаларни амалга ошириш самарадорлигини кучайтиришда ахборот мақонида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни тарғиб этиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладиган платформани яратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Концепциянинг қабул қилиниши кўп миллатли Ўзбекистон халқининг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга, давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абдушукр ҲАМЗАЕВ, Экологик партия фракцияси раҳбари:

— Бугунги кунда давлат тарихий, диний, маданий аҳамиятга эга биноларни, зиёратгоҳларни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда. Зиёрат туризми янги соҳа сифатида драйверга айланапти. Мамлакатимиздаги барча зиёратгоҳларда яратилган шароитлар, ободончиликлар кўзни қувонтиради.

Айнан мазкур концепцияни ушбу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтаради, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳужжат кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистонда умумжамият манфаатларини рўбга чиқариш, демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик асосида ўзаро тотувликда яшаш ҳамда изчил тараққий этиш учун зарур барқарор муҳитни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир. Айни вақтда бу йўналишда мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган кўплаб муаммолар ҳолатларнинг олдини олиш, соҳани тартибга солишда асосий ҳуқуқий ечим бўлади.

«Халқ сўзи».

Эндиликда олий маълумотли кадрларга бўлган давлат бююртмаси Махсус платформа орқали шакллантирилади.

Экологик барқарорлик:

ТАҲДИД, МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Охирги 40 йил ичида денгиз ўз майдонининг 57 фоизини, ҳажмининг 80 фоизини ва чуқурлигининг 64 фоизини йўқотди. Қирғизистон ва Тожикистондаги асрий музликларнинг хавотирили даражада тез эриши кузатиляпти. Ўзбекистон Орол денгизининг қуриши, унинг туздан осмонга кўтарилган пестициддли чангларнинг одамлар саломатлиги, деҳқончилик ва иқтисодиётга таъсиридан азият чекиб келаётганига анча бўлди. Дунёда иқлим ўзгариши эса денгизлар ўта узоқ жойлашган минтақада ҳам сувсизлик, саҳролашиш ва чанг бўронлари каби ҳолатларни кучайтира бошлаган.

Глобал муаммоларга комплекс ёндашув

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Париж Битими қабул қилинган. Ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган.

Битимнинг мақсади — БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий конвенция амалга оширилишини фаоллаштириш, глобал ўртача ҳароратнинг индустриаллаштиришгача (1750 й.) бўлган даврдагига нисбатан 2 даражада сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг Цельсий бўйича 1,5 даражагача ўсишини чеклашга ҳаракат қилишдир. Бу 2050 йилга бориб “иссиқхона газлари” глобал ажратмаларини 40 — 70 фоизга камайтиришни ва 2100 йилга бориб уни 0 ёки манфий кўрсаткичга етказишни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил 19 апрель куни БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Париж Битимини имзолади. Мазкур битим 2018 йил 3 октябр кунини ратификация қилинди. 2030 йилгача узоқ муددатли истиқболда Ўзбекистон Республикасини иқлим ўзгаришига қарши кураш чора ва ҳаракатларни кучайтиришни — 2030 йилга бориб “иссиқхона газлари” солиштирма ташламаларини 2010 йилдаги даражага (яъни ички маҳсулот бирлигига) нисбатан 10 фоизга қисқартиришни мўлжалламоқда.

Келгуси 20 — 30 йил ичида иқлим ўзгариши инсониятга бешта асосий хатарни алоҳида ургулайди. Булар сирасига Арктика денгизидagi музликлар ва маржон рифлари каби уникал тизимларга

бўлган таҳдидлар қиради. Ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши билан таҳдид “ўта юқори” бўлиши мумкин. Уммон суви таркибидagi кислота ошади ва ундаги маржон ва жонотларга хавф солади. Ҳарорат ошиши билан қуруқликдаги ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқа жонотлар баландиликлар ҳамда кўтблар сари ҳаракат қила бошлайди.

Инсонларга таъсири ҳақида гап кетар экан, озиқ-овқат тақчиллиги энг катта хавотир уйғотади. Маккажўхори, гуруч ва бугдой 2050 йилда 25 фоизга камайиши башорат қилинади. Бу даврга бориб дунё аҳолиси сони 9 миллиардга етиши ва шаҳарлар кенгайиши кутилар экан, озиқ-овқат етишмовчилиги янада ёмонлашади. Тропик ҳудудлар ва Антарктиканинг баъзи қисмларида баллиқчилар ўлжаси 50 фоизга камайиши мумкин.

«Яшил» энергетика улушини ошириш — стратегик вазифа

Иқлим ўзгаришига қарши кураш масаласида Ўзбекистон масъули

қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишда халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда мазкур масалалардаги амалий ишларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина мисол сифатида БМТ шафелиги остида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг ташкил этилиши ёки Оролнинг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо қилинаётгани, 2 млн. гектардан зиёд майдонда саксовул ва чўл ўсимликлари уруғлари сепилганлиги ва кўчатлари экилангани келтириш мумкин. Ислохотларимизни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватламоқда. Президентимиз тақлифи билан БМТ Бош қотибнинг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозимни таъсис этилиши, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформаси яратилиши ва минтақамизда қабул қилинган “Яшил тараққиёт” дастури доирасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилиши қўллаб-қувватланди. Қолаверса, давлатимиз раҳбари Бош Ассамблеянинг “Мар-



жоиз. Давлатимиз раҳбарининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш масалалари белгилангани иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ҳамда унга мослашиш учун хизмат қилади. Қолаверса, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган экологик вазиятнинг барқарорлаштириш бўйича вазифалар билан ҳам-оҳанглиги эътиборга молик.

Стратегияда кўрсатилган вазифаларга кўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 444 та яшил бог барпо этилади. Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 1,9 млн. гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 200 минг гектар яшил майдонлар яратиш ҳам кўзда тутилган.

Оролбўйи минтақасида экологик вазиятнинг соғломлаштириш, яъни кичик сув ҳавзалари, ичимлик суви тармоқларини қуриш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Охирги 20 йилда атмосферага ифлослантирувчи чиқиндиларни ташлаш 2,1 баравар, захарли оқова сувлар 2 қарра камайди. Пестицидлардан фойдаланиш охирги беш йилда 5 бараварга қисқарди, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Миллий қўриқхона, бог, буюртма қўриқхона ва экологик марказлар ривожланди.

Даровеке, юртимизда 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши ортида иқлим ўзгаришига қарши кураш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, сув ресурсларини тежаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликни камайтириш каби мақсадларга эришиш интилиши ётибди, десак, янглишмаган бўламиз.

Тежамкорликка асосланган «яшил» ривожланиш модели

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади — экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган “яшил” ривожланиш моделига ўтишдир. Бунга ҳамоҳанг тарзда тез суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетикага бўлган талабини тўлиқ қондириш учун “яшил” қувватлар жадал ривожлантирилади.

Ўтган беш йилда энергетика соҳасига қарийб 20 млрд. доллар хорижий инвестициялар жалб қилинди ва 9,6 гигаваат замонавий энергия қувватлари ишга туширилди. Ҳозирги кунда хорижий ҳамкорлар билан қиймати 26 млрд. доллардан зиёд ва умумий қуввати 24 гигаваат бўлган 50 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бундай мақсадларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Бу борада Ўзбекистон БМТ, Марказий Осиё мамлакатлари, БАА, Саудия Арабистони, Хитой каби давлат ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилади. Шунингдек, қайта этиш жоизки, “яшил” энергия соҳасида Бирлашган Араб Амирликлари бизнинг ишончли ва стратегик ҳамкоримиздир. Сўнгги йилларда БАА билан инвестициялар портфели 26 млрд. доллардан ошгани ҳам фикримиз далили. Улар орасида эса қайта тикланувчи энергетика лойиҳалари асосий локомотив бўлмоқда.

Ер юзида глобал миқёсда иқлим ўзгариши, чўлланиш жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги замонда, айниқса, бизнинг кам ўрмонли минтақамизда, асосан, қўмчи чўл ҳудудларида ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш жуда улкан аҳамиятга эга. Бу муҳим омили, шунингдек, чўлланиш ва қуруқчиликка қарши курашиш бўйича инновация лойиҳаларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш, маҳаллий аҳолининг чўлланиш ва қуруқчиликка қарши курашиш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш бўйича ҳарбдорлигини ошириш, ерлардан барқарор фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётда қўллашни ташкил қилишни ҳам тақозо этади.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик.



Вашингтон осмонидаги фожиа

АҚШ пойтахти Вашингтондаги Рональд Рейган номидаги аэропорт осмонида “Bombardier CRJ700” йўловчи самолёти “Sikorsky H-60” ҳарбий вертолёти билан тўқнашди. Бунинг оқибатида самолёт ва вертолёт Потомак дарёсига қулади. Ҳалокат чоғида самолёт уч қисмга бўлиниб кетган.

Йўловчи самолётида фигурали учиб спортчилари ва уларнинг мураббийлари бўлган. Самолёт бортидаги 64 киши ва вертолётнинг 3 нафар экипаж аъзосининг жасади сувдан чиқарилган.

“Sky News” нашрида хабар беришларича, Вашингтон Ёнгин ва тез тиббий ёрдам хизмати раҳбари Жон Доннелли ҳодисадан кейин тирик қолганлар бўлиши эҳтимолини рад этди. Ҳалокатдан кейин қўтқарувчилар воқеа жойига 10 дақиқа ичида етиб борган самолётнинг “қора қутиси” топилгани айтилмоқда.

Самолёт “American Airlines” авиакомпаниясига тегишли бўлиб, Канзас штатининг Уичита шаҳридан Вашингтонга учётган бўлган.

Норвегия — электромобиллар мамлакати

Таҳлилларга кўра Норвегия етарлича нефть ва газ захирасига эга бўлишига қарамай янги энергия манбаларида ишлайдиган транспорт воситаларини жорий этишда дунё етакчилиридан бири ҳисобланади.

Мамлакатда янги автомобиллар савдосидаги электромобиллар улуши ўтган йили 88,9 фоизга чиқди. 2025 йилнинг дастлабки ҳафталарида сотилган энгил автомобилларнинг 96 фоиздан ортигини электромобиллар ташкил этган.

Мамлакат транспорт вазирининг ўринбосари Сессилия Кнйбе Кроглунднинг таъкидлашича, янги технологияга ўтишда электромобиллар тарқалишини қўллаб-қувватлаган давомли сиёсат ҳал қилувчи роль ўйнаган. Норвегияда электромобилларга ҚҚС солинмайди, йўл ва автотўраргоҳлар чиқиши учун чегирмалар, жамоат транспорти йўлқаларига қилиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, мамлакат ҳукумати электромобилларни қувватлантириш инфратузилмасини ривожлантиришга катта сармоя киритган.

Айтилишича, 2025 йилда Норвегия шаҳар автобусларини тўлиқ электробусларга ўтказиш режалаштирилган.

Лувр музейи эътиборда

Яқинда жаҳонга машҳур Лувр музейи директори Лоранс де Кар Франция маданият вазирини Рашида Датиға мурожаат билан чиққан эди. Унда музей хоналарининг аҳоли ҳақида маълумот берад экан, “улари”ни айримлари жуда ночор ҳолатда экани”ни билдирган.

28 январь куни Франция Президенти Эммануэль Макрон Луврга таширф буюриб, музейда айрим ўзгаришларни амалга оширмоқчи эканини айтди. “Лувр реставрация қилинади ва кенгайтирилади”, деди Президент. У Маданият вазирлиги қурилиш ишларини режалаштириш лойиҳасига 10 миллион евро инвестиция киритишини эълон қилди.

Э. Макрон Леонардо да Винчининг “Мона Лиза” портретини Луврдаги алоҳида жойга қўчириш режалаштирилганини таъкидлади. Бу, ўз навбатида, картина музейдаги бошқа коллекциялардан алоҳида томоша қилиш имконини беради. 2024 йилда музейга қарийб 9 миллион киши келган. Президентнинг айтишича, Лувр янгилангандан кейин у ерга ҳар йили 12 миллион киши таширф буюра олади.

Ер юзидаги энг баланд бино барпо этилади

“Kingdom Holding Company” вакили Жидда шаҳрининг шимолида бунёд этилаётган дунёдаги энг баланд иншоотни қуриш ишлари 2028 йилда якунланишини маълум қилди. “Дунё тараққиёти рамзига айланувчи “Jeddah Tower”ни қуриш ишлари расман қайта тикланди”, дейилади хабарда.

Мазкур осмонўлар бинонинг қурилиши ҳақида илк бор 2011 йилда хабар берилган ва қурилиш ишлари 2013 йилда бошланган эди. Бинонинг баландлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Аммо режага кўра 1001 метрдан кам бўлмайди. Демак, бу иншоот Дубайдаги 828 метрли “Бурж Халифа”дан камиди 173 метрга баландроқ бўлишини аналтади.

Шуни таъкидлаш керакки, қурилиш ишлари 2020 йилда якунланиши керак эди, бироқ 63 қавати кўтарилган бир вақтда 2018 йили барча ишлар тўхтаиб қўйилди. Кўна кеча тантанали маросим ўтказилди ва 64-қаватини қуриш ишлари бошланди. Хабарларга кўра ҳар тўрт кунда битта қават қурилади ва 2028 йилда қурилиш якунланади.

Экологик тоза шаҳар қурилади

Қирғизистон Президенти Садир Жапаров экологик тоза “Кемин-Сити” шаҳрини қуриш тўғрисидаги фармони имзолади.

Мазкур шаҳар Чўй вилоятидаги Кемин туманида жойлашади. Лойиҳа фуқароларни уй-жой билан таъминлаш, ички ва тақши миграцияни камайтириш, маҳалла кадрларни сақлаб қолиш ва ҳудудларда ижтимоий кескинликни пайсатиришга қаратилган.

Президент имзолаган ҳужжатда таъкидланишича, экологик тоза “Кемин-Сити” шаҳри 353,3 гектар майдонда қурилади. Эндиликда Вазирлар Маҳкамаси 1 июнга қадар шаҳарнинг қурилиш концепциясини ишлаб чиқиши керак. Шунингдек, “Кемин-Сити”ни қуриш бўйича инвесторлар билан музокаралар олиб борилади, тегишли инвестиция лойиҳалари имзоланади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

САНЪАТ ЮЛДУЗЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда “Янги Ўзбекистон юлдузлари” миллий мукофоти ўз эгаларига топширилди. Аънанавий тарзда ташкил этилаётган ушбу мукофот билан мамлакатимиз маданияти ва санъатини юксалтириш, халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга серқирра ижоди билан салмоқли ҳисса қўшаётган истеъдодли иходкорлар тақдирланиб келинмоқда.

Танлов



Тантанали маросимда юртимизда маданият ва санъатнинг барча турини миллий ўзига хослик ҳамда замон андозаларига мос ҳолда ривожлантириш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш истеъодларни кашф этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўтказилаётган турли танлов ва фестиваллар бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

“Янги Ўзбекистон юлдузлари” миллий мукофотида театр, цирк, мусика, фольклор, бастакорлик, композиторлик, ракс, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод ҳамда маданият ва санъатнинг бошқа йўналишларида фаолият юритаётган соҳа вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилиб, 20 нафари тақдирланди.

Мукофот соҳиблари махсус статуетка ҳамда сертификат, шу билан бирга, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари даражасида пул маблағи билан рағбатлантирилди.

«Халқ сўзи».

TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI

quyidagi lavozimlarga shartnoma asosida tanlov e'lon qiladi:

1. Neftni qayta ishlash kimyoviy texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri;
2. Sifat menejmenti va mahsulotlar xavfsizligi kafedrası: kafedra mudiri;
3. Gazni qayta ishlash kimyoviy texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri;
4. Analitik, fizikaviy va kolloid kimyo kafedrası: kafedra mudiri;
5. O'zbek tili va professional ta'lim kafedrası: kafedra mudiri;
6. Xorijiy tillar kafedrası: kafedra mudiri;
7. Texnologik mashina va jihozlar kafedrası: kafedra mudiri;
8. Oziq-ovqat va parfumeriya-kosmetika mahsulotlari texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri;
9. Yuqori molekulyar birikmalar va plastmassalar kafedrası: kafedra mudiri;
10. Sanoat ekologiyasi kafedrası: kafedra mudiri;
11. Noorganik moddalar kimyoviy texnologiyasi kafedrası: kafedra mudiri.

Izoh: yuqoridagi lavozimlarga tegishli nomzodlardan ariza, fotosuratli so'rovnoma, tarjimai hol, oliy ma'lumot, ilmiy daraja, unvonlar haqidagi diplomlarning nusxalari, ilmiy ishlar ro'yxati, mehnat daftrachasidan ko'chirma, malaka oshirganligi haqida guvohnoma nusxasi talab qilinadi. Hujjatlar ushbu e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy muddat ichida qabul qilinadi.

Murojaat etuvchilar institutning Inson resurslari bo'limiga kelib registratsiyadan o'tishlari so'raladi.

Manzil: 100011, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy, institutning Inson resurslari bo'limi. Telefon: 71-244-79-31.

Дикқат, аукцион ўтказилади

Эрон Ислон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси Тошкент шаҳри, Яккасарой туманидаги Ивлев кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 966 квадрат метр ва бино майдони 252 квадрат метр бўлган Эрон Ислон Республикаси ҳукуматиға тегишли тураржой участкасидан иборат объектни аукционда иштирок этиш анкетасида баён қилинган 21 банддан иборат шартлар, қоидалар ҳамда мезонлар асосида аукцион орқали сотувга қўяди.

Аукционда иштирок этишга талабгорлар 2025 йил 26 январь — 16 февраль кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача элчихонаға мурожаат қилиб, аукционда қатнашиш анкетаси ва аукционға оид махсус конверт-ни ҳамда аукционға қўйилган объектнинг бошлан-

ғич нархи тўғрисидаги маълумотни олишлари мумкин. Аукционда иштирок этиш учун паспорт нусхаси ҳамда аукционда қатнашиш анкетасининг тўлдирилган шаклини тақдим қилиш лозим.

Аукцион конвертлари 2025 йил 17 февраль кунини соат 17:00 да элчихона биносида аукцион иштирокчилари ҳузурида очилади.

Ушбу аукционда қатнашиш иштирокчи учун ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди. Сотувчи аукционнинг ҳар қандай босқичида унинг натижаларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқига эга.

Батафсил маълумот олиш учун элчихонанинг куйидаги телефон рақамлари билан боғланиш мумкин: 78-150-60-50, 78-150-60-65.

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КАРВОНБОШИСИ



Савод алифбодан бошланади. Шунинг учун ҳам миллий уйғониш даври педагоглари “усули савтия” методидида фаолият кўрсата бошлаган мактаблар учун алифбо яратишга бирламчи даражали масала сифатида қарадилар. Махмудхўжа Бехбудий ушбу метод заминидида Туркистон ўлкасида Саидрасул Саидазизовдан кейин биринчилардан бўлиб тожикзабон болалар учун алифбо дарслигини яратди ва уни “Рисолаи асбоби савод” деб номлади. Муаллиф алифбони босмадан чиқаришдан олдин бир йил давомидида улуг педагог Абдуқодир Шакурий мактабидида тажрибадан ўтказди, баъзи бир тазатишлар киритди ва 1905 йилда Самарқандда босмадан чиқарди. Бу ҳақда Бехбудий асар муқаддимасида қуйидагиларни ёзади: “Жаноб фазилатпаноҳ мактабдорлар, муаллимлар, сизларга мурожаат ва арз қилурман. Каминанинг “Асбоби савод” номли ушбу рисоласи шоғирдларнинг қисқа муддатда ўқиш ва ёзишни ўзлаштиришлари учун мўлжалланган бўлиб, бир неча бор синовдан ўтказилгандир... Усули жаҳид муаллими Абдуқодир жаноблари уч ой давомидида ўз мактабларида ушбу дарслик-алифбо билан дарс бердилар. Сиз, азиз муаллимлар, бизнинг “Асбоби савод” дарслигимиздан ҳам фойдаланишингизни сўраймиз”.

Ушбу алифбо Ватанимизнинг тожикзабон мактаблари учун асосий дарслик сифатида бир неча бор нашр қилинди ва кўпроқ Бухоро, Самарқанд мактабларида октябрь тўнтартишидан кейин ҳам қўлланган. Муаллиф асар охирида ёзувга ўргатиш мақсадида хуснихатдан намуналар беради.

Махмудхўжа Бехбудийнинг муҳим дарсликларидан яна бири — “Китобат ул-атфол”дир. Баъзи тадқиқотчилар ушбу дарсликнинг номланишини “Болалар учун китоб”, “Болалар китоби”, “Болалар учун ёзув китоби” шаклларида таржима қилдилар. Бундай номлаш муаллиф мақсадида ҳам, китобнинг мазмун-моҳиятига ҳам тўғри келмайди, чунки “китобат” сўзи луғатларда “мактуб”, “хат” “битик” деб таржима қилинган. Ушбу “Китобат ул-атфол” дарслигини “Болалар мактаблари” деб таржима қилиш мақсадида мувофиқдир. Чунки дарсликда болаларни турли мазмундаги расмий, норасмий, хусусий хатлар ёзишга ўргатиш, ёзма нутқини ўстириш масалалари атрофида таҳлил қилинган, болаларнинг турли мазмун ва мақсадда ёзилган мактубларидан чиройли намуналар берилган.

Муаллиф дарслик муқаддимасида Туркистоннинг усули қадим мактабларида ўқувчилар ёзма нутқининг нихоятда ночор ахволда эканлиги, болаларни иншо ёзишга ўргатиш учун бирорта қўлланманинг йўқлиги ушбу асарни ёзишга мажбур қилганлигини таъкидлайди. Мазкур дарслик ўз олдига, биринчидан, ёшларни турли давлат идораларида ўзбек тилида иш юритишга ўргатиш вазифасини қўйган бўлса, иккинчидан, муаллимларнинг эътиборини ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришдек нихоятда муҳим масалага қаратади. Тажрибали муаллимлар ҳатто эски анъанавий мактабларда ҳам ёзма нутқ ўстиришга алоҳида эътибор берганлар.

Махмудхўжа Бехбудий бундан юз ўн беш йил муқаддам ёзма нутқ ўстиришдек нихоятда мураккаб ва масъулиятли масалага алоҳида эътибор қаратган. Муаллиф “Китобат ул-атфол” дарслигида ўқувчилар хат ёки мақола ёзаётган вақтларида нималарга эътибор беришлари зарурлигини 18 моддада кўрсатиб ўтади. Мана уларнинг баъзилари:

“Туркий ёзилур экан ва иборанинг туркийси бўла туриб, ани ўрнига русий ва ажнабий исмини ёзмокни аҳли донишмань қиладурлар.

Аҳли фан, уламо ва удабога максус ёзилатургон хатлар, маҳкама ва до-рулқазо мактублари, илмий ва сиёсий мақолалари яхши ва адабий суратга ёзилса керак. Мундай мактубларда ара-

бий, форсий хатга русий ва франсавий баъзи бир исм ва луғатни ёзмама иложи йўқдур. Бовужуд шул бақадри имкон ўшал сўзларни туркий ва форсийчасини топиб ва топилмаганда жумла ила тафсир қилмок лозимдур.

Хатни камсўз, сермаъно ёзмок керакдур.

Ҳазаб ва хафалик ва ё нихоят хурсанд ва бехушлик вақтларда хат ёзмай, ҳолати даражаи эътидол (мўътадил)га келганда, мактуб ёзмок авлодур.

Бир нимарса ва ё одамни нихоят мадх ва таъриф ва ёмонламок ва мубо-лаға этмокдан ҳазар қилиб, барча ҳолда ўрта қисмга қалам ишлатмак керак.

Мактубга ҳақорат, таъна, ҳазил, физк ва гуноҳга тааллуқ сўзлар асло ёзилмасун”.

Бехбудий томонидан кўрсатиб ўтилган бу талаблар ҳозирда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Болалар руҳиятини яхши билган Бехбудий ёзма нутқ ўстиришда ўқувчилар учун нихоятда қўлай ва уларни қизиқтира оладиган усул — хат ёздириш усулидан фойдаланади. Чунки ёш болалар ота-оналарига, дўстларига хат ёзишга анча қизиқадилар. Дарслик муаллифи хат ёзиш одоби, қоидалари, рамзлар — ҳис-туйғу белгилари (тиниш белгилари — У.Д.) бўйича раҳбарлик қилишда усули жаҳид ва усули қадим муаллимларга қимматли йўл-йўриқлар беради.

Ушбу ўқув дарслиги ўлка миқёсида таълим-тарбия муассасалари — эски ва янги мактаблар учун катта аҳамият касб этди. Асар ҳақида “Туркистон вилоятининг газети”да “Новая книга писем для детей” номи билан махсус тақриз-мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: “Бу яқин кунда бизнинг идорамизга Самарқанд шаҳрида барпо бўлиб, “усули савтия ва жаҳиди” тариқи билан таълим ва тарбия ривож топиб турмуш мактаби ибтидоининг мутасаддиларидан ҳурматли фозил муҳтарам Махмудхўжа Эшон мифти жанобларининг эътиомлари билан “Махмуа китобот ва иншондан бир неча жузъ” (“Китобат ул-атфол”) номли мажмуачаларидан намуна баробаринда ҳаёда юборилмуш экан”.

“Китобат ул-атфол” усули жаҳид мактаблари шоғирдлари учун махсус дарслик сифатида яратилган бўлиб, биринчи наشري 1908 йилда, иккинчи наشري эса 1914 йилда босмадан чиқарилди.

Махмудхўжа Бехбудий бошқа жаҳид мутафаккирлари каби география фанини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор берган. Унинг бу фанга оид “Мунтахаби жуғрофияи умумий” дарслигининг тўлиқ номи “Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия” деб номланади ва у 1906 йилда Самарқандда Г. Демуров матбаа корхонасида босмадан чиққан. Муаллиф дарсликни яратиш жараёнида ўттиздан ортиқ замонавий ва қадимий асарларни ўрганган: дастлаб “жуғрофия” сўзининг луғавий маъносини, бу фаннинг “Жуғрофияи табиий”, “Жуғрофияи умумий”, “Жуғрофияи иқтисодий”, “Жуғрофияи сиёсий”, “Жуғрофияи рибозий” каби соҳалари ҳақида анча илмий асосли маълумотлар беради. Бехбудий дарсликни яратиш жараёнида Шамсиддин Сомийнинг “Қомус ул-аълам” ҳамда Исмоилбек Гаспиранин “Туркистон уламоси” асарларидан кўпроқ истифода қилганлиги кўзга ташланади. Муаллиф география илмига оид ўнлаб асарлар яратган мусулмон, хусусан, туркистонлик олимларнинг асарларидан фойдаланган. Бехбудийнинг ушбу асари билан чуқурроқ танишар эканмиз, у ўзига замондош бўлган биринчи ўзбек географ олими Ҳожи Юсуф (1842 — 1924) фаолияти билан, у яратган ва Самарқанд кўрғазмасида намоёйиш қилган глобус билан яқиндан таниш бўлганини кўраемиз.

Мутафаккирнинг мазкур география дарслиги муносабати билан “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида 1906-1907 йилларда тақризлар, мунозарали фикрлар баён қилинган. Газетанинг масъул ходими, “Туркистон тарихи” асари муаллифи Мулла Олим Махдум Ҳожи дарсликнинг тили, услубининг оғирлиги ҳақида фикр билдирган. Махмудхўжа Бехбудий ушбу газетда жавоб мақоласи билан чиққан.

Театр — тарбия маскани

Мустамлакачилик сиёсати туйфайли ўлкага қириб келаётган ва айниқса, ёшларнинг ахлоқига кучли салбий таъсир кўрсатаётган маъийи бузуқлик, ич-

киликбозлик, қиморбозлик каби қабих одатлар жаҳид мутафаккирларини қаттиқ ташвишга солган. Илмсиз, нодон ёшлар бундай усти ялтироқ ярамас ишларга тез берилади. Шу боис уларнинг мудҳиш оқибатларини ёшлар, уларнинг ота-оналари кўз ўнгига намоёйиш қилиш керак эди. Саҳна асарларига бўлган эҳтиёж шу тарзда юзага келган. Мана шундай улуг мақсад натижаси ўлароқ “Падаркуш” драмаси ёзилди. У Махмудхўжа Бехбудий педагогик қарашларининг бадиий ифодаси сифатида намоён бўлди. Драма “Падаркуш” ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли” номи билан 1911 йилда яратилган бўлса-да, унинг нашр этилиши анча қийин кечди. Тошкент, Самарқанд цензураси асар нашрига рухсат бермади.

Чор Русияси назоратчилари билан қурашавериб, анча тажриба орттирган Бехбудий китобнинг титул муқовасига “1812 йилда рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар ғалабасининг 100 йиллигига бағишланади” сўзларини келтириб, Тифлис цензоридан рухсат олишга муваффақ бўлади ва 1913 йилда Самарқандда алоҳида китоб ҳолида босмадан чиқаради. Асар бошидан охиригача илм-маърифатга, усули жаҳид мактабларига даъват руҳи билан суғорилган. 3 парда, 4 манзарали ушбу эътироф этилган биринчи ўзбек драмасынинг театр саҳнасига чиқиши ҳам енгил кечмади. Бунга салкам бир йил вақт кетди. Шунга қарамай, драмани Туркистон шаҳарларидаги ҳаваскор театр труппалари катта мамнуният би-

миз тарихида буюк воқеа — театримизнинг туғилиш кунини деб баҳоланди. Шунингдек, драма Фарғона водийси шаҳарларида ҳам кенг намоёйиш этилди.

Махмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижоди тадқиқотчилардан немис олимаси профессор Ингеборг Балдауфнинг қуйидаги фикрлари мутафаккир фаолиятига берилган жуда тўғри баҳодир: “Махмудхўжа Бехбудий фаолиятининг гоят ўзига хослигидан қатъи назар, у Кримда Исмоилбек Гасприли, Қозон тартларининг Қюм Носирийни, усмонли туркларнинг Аҳмад Мидхати сингари Ўрта Осиёнинг халқ муаллими эди”.

Олий мақсад йўлидаги дадил қадамлар

Бехбудий ўз олдига қўйган олий мақсадини миллатдошларига етказиш ниятида 1913 йилнинг апрелидан “Самарқанд” газетасини чиқара бошлади. Газетанинг фаолияти узоқ давом этмади: 45 сони чиқиб, иқтисодий танқислик туйфайли тўхтатилди. Аммо газета кўп мақсадларни амалга оширишга улгурди: миллатдошлар қалбига илм ва маърифат нурини олиб кирди, маърифатпарварларни улуг мақсад сари бирлаштирди. Туркистон жаҳидлари пешволари Мунавварқори, Абдулла Авлонийнинг мақолалари “Самарқанд” газетасида босилиб турди. “Самарқанд” газетаси фаолияти тўхтатилган, ўша 1913 йилги Бехбудий “Ойна” журнали фаолиятини йўлга қўйди ва ўзининг эзгу ниятларини амалга оширишни журналда давом

“Бехбудий публицистикаси ҳам мазмунан, ҳам ҳажман ўзбек маорифида, маънавиятида, айниқса, сиёсатида катта аҳамиятга молик. Унинг миллат, Ватан истикболи, илм-маърифат ҳақидаги қарашлари, асосан, мақолаларида ўз ифодасини топган. Бехбудий 1906 йилдаёқ Мунавварқори Абдурашидхоннинг “Хуриш” газетасида чоп этилган “Хайрул умурри афсатху” (“Ишларнинг яхшироғи ўртачасидир” — Ҳадиси шарифдан) сиёсий мақоласида социализмни, инқилобни зўравонлик деб билди. Шу эътиқоддан келиб чиқиб, октябрь ўзгаришини ҳам қабул қилмади.

лан кутиб олди. Бу ҳақда “Туркистон вилоятининг газети”, “Садоий Туркистон”, “Садоий Фарғона” газеталарида, “Ойна” журналда, қардош туркий халқлар матбуотида туркум мақолалар эълон қилинган. “Падаркуш” драмаси биринчи марта Самарқандда 1914 йил 15 январда театр ҳаваскорлари томонидан намоёйиш этилди. Ўлка маънавий ҳаётида буюк аҳамият кашф қилган бу воқеа Ватанимизнинг Қўқон, Андижон, Наманган, Бухоро, Каттакўрғон каби шаҳарларида ҳам ҳаваскор театр гуруҳлари вужудга келишига туртки бўлди. Ушбу драма таъсирида беш йил давомидида ўттизга яқин турли муаллифларнинг драмалари яратилди.

“Падаркуш” драмасида муаллиф эътиборни оталар ва болалар муаммоси — ўғил тарбиясида отанинг ўрни масаласига қаратади. Эътибор бериш: драмада ота каттагина бой, аммо бу бойлик тарбия кўрмаган болани ҳам, отани ҳам фожиа гирдобига тортиб кетади. Оила ва мактаб тарбияси биргаликда, узвий бoғлиқ ҳoлда oлиб бoрилгадaгина, ўз oлдига қўйган улкан вaзифaни бажарa oлади, дeгaн фикр асарни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Ота тарбия кўрмаган, дунё воқеаларидан бутунлай ўзилиб қолган, ҳатто муомала маданиятидан ҳам беҳабар. Унинг домла ва зиёли билан муомаласи Тошмуроднинг отаси билан муомаласига ўхшайди, яъни отанинг тарбиясизлиги ўғлида ўз аксини топган.

Ушбу драма ўз қобилига ўралиб қолган, дунё тараққиётидан бутунлай ўзиб ташланган миллатни ларзага солди: бундай яшаш мумкин эмас, дунё халқлари билан ҳамкамда бўлимоқ керак, турли-туман тўта маъракаларга сарф қилганга нўгон маблагни илм-маърифатга, фарзанд тарбиясига харжламоқ, бир неча йиллар мусофирликда бўлса ҳам фарзандларни тараққий этган мамлакатлар олий ўқув юртиларига юбормоқ керак. Синфий айирмаларни йиғиштириб қўйиб, илмга чанқоқ ёшларни хайрия жамиятлари кўмагидан бўлса-да, чет элларда ўқитмоқ керак.

Ўзбек халқининг илғор зиёлилари “Падаркуш” драмасини катта мамнуният билан кутиб олади. Драманинг 1914 йил 27 февралда Тошкентда Мунавварқори ҳамда Абдулла Авлоний бошчилигида “Турон” драмтруппаси томонидан саҳнага қўйилиши маданияти-

эттирди. Мутафаккир Бехбудий дунёвий ва диний билимларни барабар эгаллаш тарафдори эди. Бундай илмли мутахасисларни тарбиялаб етштириш учун, биринчи навбатда, икки эмас, тўрт тили, яъни арабий, русий, туркий ва форсий тилларни мукаммал билиш зарурлигини таъкидлади. У жаҳид мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш ва уларни босмадан чиқариш ишларини мунтазамлаштириш мақсадида 1913 йилда “Нашриёт Бехбудий” номли хусусий нашриёт ҳамда “Қутубхонаи Бехбудия” номида кутубхона ва кироатхона очди.

Бундай ишларни амалга ошириш каттагина маблагни талаб қилар эди. Махмудхўжа Бехбудий имконияти доирасида кўп ҳолларда бундай ишларга ўз ҳисобидан маблағ сарф қилар эди. Бехбудийнинг набираси Самарқанд давлат университетининг профессори марҳум Надимхон Бехбудий қуйидагиларни ёзади: “Уша вақтларда Самарқандда бир қанча ташки ва ички ҳовлилари, ер-сувлари, бог-роғлари, мол-ҳоллари бўлган. Бобам ушбу мол-мулкдан келадиган даромадининг бир қисmini китоб, газета, журнал ташкил этишдаги ноширлик ишларига, эндигина тараққий этиб келаётган усули жаҳид мактаблари ривожига, илғор кишилар томонидан таъсис этилаётган жамияти хайрияларга ионалар қилиб турган”.

Афсуски, Туркистон Мухторияти оёққа турмасданок шўролар томонидан маъв этилди: водийдаги ўнлаб кишлоқлар хонавайрон қилинди, ўт қўйилди, ўт мингдан ортиқ аҳоли қириб ташланди. Махмудхўжа Бехбудий мана шундай оғир изтироблар исканжасида бир йил давомидида маориф соҳасида фаолият кўрсатди. Миллат истиклоли ҳақидаги озуларни барбод бўлган мутафаккир 1919 йилнинг баҳорида Қарши шаҳрида Шўро айёқчилари томонидан қатл қилинди. Шўро ҳукумати ўта қабих йўл тутди: унинг фожиаи ўлдирилиши ҳақидаги хабар Самарқандда бир йилдан кейин — 1920 йил апрель ойида маълум бўлди. Бутун Туркистон халқи мотам тутди. Унинг ўлимига бағишлаб Фитрат, Қўлпон марсиялар яратди, Айний уч шеър битди. Уларнинг бирида шундай дардли мисрлар бор:

Сени мундан буён Турон кўролурму, кўролмасму?
Сенинг мислининг Туркистон тополурму, тополмасму?
Сен, эй устоди олийшон, эдинг азубам даврон,
Отингни тилга ҳар инсон буюк ҳурмат-ла олмасму?
Ватан авлоди ёд этди, сени ҳурмат-ла шод этди,
Ва лекин интиқомингни ололурму ололмасму?

Атоқли давлат арбоби Файзулла Ҳўжаев Махмудхўжа Бехбудийнинг буюк хизматларига шундай баҳо берган эди: “Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жаҳидларидан унга тенг келадигани йўқ деб ўйлайман”.

Бу ҳақ гап эди.



Улугбек ДОЛИМОВ, профессор.

1909 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да кўюнлик Файзулло афанди исмли муаллифнинг “Хотунларга илм лозимму?” мақоласи чоп этилди. Мазкур мақола атрофида анчагина баҳс-мунозара вужудга келади. Мақола муаллифи аҳли қаламдан — фозил Мулла Олим Махдум Ҳожи ва Махмудхўжа Бехбудий ҳазратларидан ушбу масала юзасидан ўз фикрларини баён қилишларини сўрайди. Албатта, бу мунозарарга жавобан Бехбудий “Файзулло афандига жавоб” сарлавҳали мақола билан муносабат билдирган. Унда муаллиф “Ҳар бир муслим ва муслима илм олмоғи фарздор” ҳадиси шарифни келтириб, “... жисми латифа ижро тақлифот шаръиясини айтмоққа илм ва ўқувдан бошқа бир сабаб йўқ экан ва бу тақлифотни(нг) иддаоси ва фарди қомили ўқув эканлигига ва хотунларни ўқумоклари лозимига айтса, ёлғуз кўр ва ё мунофиқ мутаассиб инкори бошқа, азизим”, деб қяунлайди мақоласини.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Бехбудий хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг илм олиши масаласида шахсий ўрнак кўрсатган. Ўз қизи Парвина Бехбудийни (1901 — 1984) Абдуқодир Шакурининг усули жаҳид мактабидан ўқитган, кўпгина илмлардан баҳраманд қилган, шу билан бирга, махсус ўқитувчи ёллаб, француз тилини мукамал ўргатган. Кейинчалик Парвина Бехбудий узоқ йиллар француз тилидан дарс берган.

Умуман, Бехбудий публицистикаси ҳам мазмунан, ҳам ҳажман ўзбек маорифида, маънавиятида, айниқса, сиёсатида катта аҳамиятга молик. Унинг миллат, Ватан истикболи, илм-маърифат ҳақидаги қарашлари, асосан, мақолаларида ўз ифодасини топган. Бехбудий 1906 йилдаёқ Мунавварқори Абдурашидхоннинг “Хуриш” газетасида чоп этилган “Хайрул умурри афсатху” (“Ишларнинг яхшироғи ўртачасидир” — Ҳадиси шарифдан) сиёсий мақоласида социализмни, инқилобни зўравонлик деб билди. Шу эътиқоддан келиб чиқиб, октябрь ўзгаришини ҳам қабул қилмади.

У 1917 йил апрель ойида Туркистон мусулмонларининг Тошкентдаги қурултоғида Ватан, миллат тақдирини кун тартибига қўйилган бир вақтда мусулмонларни ҳар қандай синфий, маҳаллий, диний ихтилофларни тарк этиб, буюк мақсад учун — истиклол учун бирлашишга даъват қилиб нутқ ирод этди. Шу йили 27 ноябрга ўтар кечаси Қўқонда “Туркистон Мухторияти” эълон қилинди. Бу ҳақда Мухторияти раҳнамоси ва ташкилотчиси Махмудхўжа Бехбудий катта қониқиш билан “Хурият” газетасида қуйидагиларни ёзган эди: “27 ноябрда Қўқонда Туркистон Мухторияти умумий мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлишдан ифтихор этаман. Яшасин Туркистон Мухторияти!”

ЯНГИЛИКЛАР

Ипотека бозори бўйича янги стратегия

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида уй-жой сиёсати ҳамда ипотека бозорини ривожлантириш масалалари муҳокамасига оид ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.

Жаҳон банки миссияси доирасидаги ушбу тадбирда маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамкорлигида 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган уй-жой ҳамда ипотека бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ипотека кредитларини оммалаштириш ва уй-жой қурилишини жадаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Ишчи гуруҳ муҳокамаси давомида урбанизация жараёнлари ва аҳоли ўсиши натижасида уй-жойга бўлган талаб тақлифдан сезиларли даражада ошиб кетаётгани, шунингдек, мавжуд уй-жой фондининг катта қисми эскиргани ва уни модернизация қилиш зарурлиги қайд этилди.

Яқунда уй-жой ва ипотека бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича режалар белгилан олинди.

Сув ресурсларини бошқаришда муҳим лойиҳа

Айни кунларда юртимизда “Зарафшон дарёси ҳавзасининг иқлимга чидамли комплекс сув ресурсларини бошқариш” лойиҳасига старт берилди.

Ушбу лойиҳа Швейцария ҳукумати кўмағида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда айтилишича, лойиҳа доирасида маълумотлар оқими ва суғориш жараёнларини режалаштиришни яхшилаш учун 50 дан ортиқ иқлим мониторинг станцияларини ўрнатиш, 30 дан ошмиқ ер ости сувлари мониторингори кудукларини автоматлаштириш, 100 дан кўп фермер ва кишлоқ хўжалиги кластерларини сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатиш кўзда тутилган.

«Инсон. Маданият. Юксалиш»

Тошкентда “Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси” (IT-Park Uzbekistan) таъаббуси билан ўтказилган “IV халқаро бошқарув форуми”нинг асосий мавзуси ана шундай номланди.

Форумда дунёнинг турли мамлакатларидан мутахассислар, олимлар, венчур капиталистлар ва компания раҳбарлари йиғилиб, инновацион иқтисодиётдаги янгича ёндашувларни муҳокама қилишди.

Уч кун давом этадиган мазкур анжуман доирасида Ўзбекистоннинг IT соҳасига инвестицияларни жалб қилишга ҳисса қўшадиган экспертлар панеллари, мунозаралар ва нетворкинг сессиялари уюштирилди. Мутахассислар билан муҳокама-ларда иштирок этиш, тадбиркорлар, инноваторлар ва инвесторлар билан мулоқот қилиш имконияти яратилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти илк бор Ирландияда ўтказилган халқаро туризм кўрғазмасида намоёйиш этилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 279 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳиф